# Ш А Р Т Н О М А № 9

**(Товар-махсулотлари, курилиш материаллари ва бошка махсулотлар сотиб олиш)**

« 05 » январь 2022 йил Яйпан шаҳар

Ўзбекистон туман Мактабгача таълим бўлими номидан рахбари Х.Кўзиева бундан буён бир томондан **«Харидор»** деб юритилади, низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан **"SAFO IMPERIAL TEXTILE" МЧЖ** номидан рахбар Ф. Исаков низоми асосида иш юритувчи бундан буён **«Сотувчи»** деб юритилади ва куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли озик-овкат махсулотларини (кейинги уринларда **товар** деб юритилади) сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул килиш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

| т/р № | *Товарнинг номи* | Улчов бирлиги | *Микдори* | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | Литр | 1970 | 4300 | 8471000 |
| 2 | Сметана | Литр | 65 | 8000 | 520000 |
| 3 | Творог | Кг | 84 | 12000 | 1008000 |
| 4 | қатиқ | литр | 200 | 8000 | 1600000 |
| | **Жами:** | | | | **11599000** |

Товарларнинг умумий бахоси : **Ўн бир миллион беш юз тўксон тўққиз минг** сум.
(рақамлар, ёзувлар билан)

## III.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30% микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. «Харидор» товарларни тулик кабул килгандан сунг хисоб-варакларга асосан колган 70% туловни пул утказиш йули билан амалга оширади.

3.3. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 1 ой муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни кайтариб олиб куйиш хукукига эга;
- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг II-булимига асосан сифатли булмаган мол-мулк бахосини кайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тулик ва аник номини, махсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб уз вактида махсулотни кабул килиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.
- Тулик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича тулов амалга оширилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома мажбуриятларини ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигида ва ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблаги булган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома кийматинининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги хамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 5 % микдорида жарима тулайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун туловни уз вактида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% микдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортик булмаслиги лозим.

7.5 Текширув органлари томонидан махсулот нархи киммат деб топилган такдирда уртадаги фарк етказиб берувчи томонидан копланади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

81. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка, хар кандай холатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч 3 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

## IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Ўзаро келишилмасаЎзбекистон Республикаси иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал килинади

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

9.3. Ушбу 2022 йил « 05» январдан 2022 йил « 31 » январгача тузилди.

9.4. Агар шартнома харидорнинг бюджет маблаглари хисобидан тузилган такдирда икки томонлама имзоланиб,Газначилик бошкармаси (булими)да руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

## X. КУШИМЧА ШАРТЛАР

______________________________________________________________________________

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**“Сотувчи”**

**“SAFO IMPERIAL TEXTILE” МЧЖ**

Манзил: Данғара тумани,Тўлабой қишлоғи
Хавас кучаси 1 уй
Тел./факс: +998 33 994-27-09
х/в: 2020 8000 6052 7494 6002
Банк номи: АКБ Капитал-банк кукон ф.
МФО: 01087 СТИР: 307 702 537
ОКОНХ: ________ (ОКЭД: ) ________

Рахбар: ________________ Ф. Исаков
(имзо)

**“Харидор”**

Ўзбекистон тумани МТБ

Манзил: Яйпан шахри Зиёкор кўчаси №98
(бюджетдан маблаг олувчининг номи)
Тел/факс:
Ш/х/в: 100022860302307091100251048
СТИР:305153082
МВ Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон тумани азначилиги
Ғазна х/в 23402000300100001010, Тошкент ш.Марказий банк ХККМ,
МФО: 00014, СТИРи: 201122919

Рахбар: ________________ Ҳ.Қўзиева

…рон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: N04415247630

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022 yil 07 yanvar — Yaypan shahri

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning mazmuni: Budjetdan mablag' oluvchi muassasalarda oziq-ovqat maxsulotlarini sotib olish bo'yicha.

3. Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: Maktabgacha ta'lim bo'limi.

4. Loyiha 05.01.2022-yil kuni ishlab chiqilgan va 07.01.2022-yil kuni markazga taqdim etilgan.

Loyihada tuman maktabgacha ta'lim bo'limiga "SAFO IMPERIAL TEXTILE" MChJ dan umumiy qiymati 11 599 000 (o'n bir million besh yuz to'qson to'qqiz ming) so'mlik oziq-ovqat mahsulotlarini sotib olish nazarda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxatining 27-bandida, davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ bilan kelishilgan ro'yxat bo'yicha davolash-profilaktika va ta'lim muassasalari tomonidan oziq ovqat maxsulotlarini sotib olish uchun to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzishi mumkinligi ko'rsatilgan.

Yuqoridagilardan kelib chiqib;

## X U L O S A

O'zbekiston tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan mazkur 9-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, loyihani tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq deb hisoblanadi.

**O'zbekiston tuman YXKM**

**bosh yuriskonsul'ti** — **M.Utanov**